

”Ҳамкорбанк“ ОАТБ Кенгаши қарорига кўра  
2012 йил 18 октябрдаги 19 баённома билан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
Банк Кенгаши раиси  
\_\_\_\_\_ И.И.Ибрагимов

## **ОАТБ «ҲАМКОРБАНК» ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ҲАҚИДА НИЗОМ**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 1.1. Ушбу Низом Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 апрелда 992-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий Банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги» низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2. Ички аудит хизмати бевосита банк Кенгашига бўйсунадиган мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади. Ички аудит хизмати банк Кенгаши қаршисидаги Аудиторлик Қўмитасига ҳисбот беради ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, «Ҳамкорбанк» ОАТБ Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

### **II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ МАҶСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

- 2.1. Банкнинг ички аудит хизмати ички назорат мониторингини амалга ошириш ва банк бошқарув органларига банк раҳбариятига банк назорати ва фаолияти натижалари бўйича холис таҳлил, баҳолаш, тавсиялар ва ахборотларни тақдим этиш орқали банкнинг самарали ишларини таъминлашда қўмаклашиш маҷсадида ташкил этилади.
- 2.2. Ички аудит хизматига қўйидаги вазифалар юклатилади:
  - Банк Кенгашини банкнинг хақиқий ҳолати ҳамда ўтказилган ички аудит натижаларига асосланган ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан таъминлаш;
  - Белгиланган регламентлар ва қонунчилик талблари, бошқарув органлари қарорлари ижросини танлаб текшириш;
  - Ички назорат тизимининг самарадорлиги ва мослигини таҳлил қилиш ва баҳолаш ва ички аудитни ўтказиш бўйича қабул қилинган таомилларнинг самарадорлиги;
  - манфаатларнинг потенциал тўқнашуви соҳаларини аниқлаш;
  - Банкда фавқулодда вазиятларда тизимларнинг иш фаолиятини тиклаш юзасидан қабул қилинган режаларини синовдан ўтказиш;
  - Банк фаолияти маҷсадларига эришиш учун маъмурий ва амалий таомилларнинг самарадорлигини кўриб чиқиш;
  - Таваккалчиликларни бошқариш ва таваккалчиликларни баҳолаш методологияси бўйича таомиллар самарадорлиги ва қўлланилишини кўриб чиқиш;
  - Молиявий ахборот тизими, ва у билан бирга электрон ахборот тизими ва электрон банк хизматларини кўриб чиқиш;
  - Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларнинг пухталиги, аниқлиги ва

- ишончлилигини кўриб чиқиши;
  - Банк Кенгаши талабларига мувофиқ маҳсус текширишларни ўтказиш ёки уни ўтказиша кўмаклашиш
- 2.3. Ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун Ички аудит хизмати «Ҳамкорбанк»ОАТБ тизимидағи барча таркибий бўлинмалар фаолиятида мунтазам режали текширишларни ўтказади.

### **III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

- Ички аудит хизмати қуйидаги вазифаларни бажаради:
  - молиявий ҳисботнинг жорий аудитини ўтказиш;
  - бухгалтерия, амалий ва маъмурий назорат тизимларининг мослигини баҳолаш;
  - банк раҳбарияти билан ҳамкорликда харакат қилиш;
  - банк ходимларига ўз вазифаларини бажариш самарадорлиги бўйича ёрдам бериш;
  - банк фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш.
- Ички аудит хизматига қуйидаги вазифалар ҳам юклатилди:
  - ички қоидалар, қўлланмалар, таомиллар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;
  - малака ошириш ва тажриба алмашиш учун Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг шу каби хизматлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
  - ташқи аудиторларга ахборот алмашиш ва ташқи аудиторлар фаолиятига кўмаклашиш орқали ёрдам кўрсатиш;
  - текширув материалларини умумлаштириш ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни Аудиторлик қўмитаси ва банк раҳбариятига тақдим этиш
  - Аудиторлик қўмитаси ва банк раҳбариятига текширувлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш тўғрисида таклифлар киритиш

### **IV. ТАРКИБИ ВА ХОДИМЛАР СОНИ**

- Ички аудит хизматини департамент директори ёки банк Бош Бошқармаси бошлиғи мақомига эга бўлган хизмат Бошлиғи (Бош аудитор) бошқаради.
- Ички аудит хизмати қуйидаги 3 та сектордан иборат: фаол операциялар таваккалчилиги сектори, операция таваккалчиликлари сектори ва чакана хизматлар таваккалчилиги сектори. Ҳар бир секторни сектор бошлиғи бошқаради.
- Ички аудит хизматининг ходимлар сони банк Кенгаши томонидан унинг олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун етарли бўлган миқдорда тасдиқланади.
- Бош аудитор банк Кенгаши қарори билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади, аудиторлик хизматининг бошқа ходимлари бош аудиторнинг тақдимномаси бўйича Аудиторлик қўмитаси томонидан тасдиқланади.

## **V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ БАНКНИНГ БОШҚА ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ВА ТАШҚИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ**

- 5.1. Ички аудит хизматининг банкнинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги:
- Текширувдан олдин вакти-вақти билан мониторинг ва текширувни амалга оширувчи *Бош банк* бўлинмаларидан аудит объекти ҳақида қўшимча маълумот олиш;
  - Департаментлар директорлари, Юридик хизматлар, Хавфсизлик хизмати, Тавваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат ва банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан ахборот ва фикр алмашиш.
  - Банк Бошқарувига аудиторлик текшируви натижаларини ва уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни тақдим этиш
- 5.2. Муайян ҳудудларга масъул бўлган Банк ходимлари Ички аудит хизматини уларга маълум бўлган барча белгиланган тартиб-таомиллардан четга чиқиш, шунингдек ўз тартиб-таомилларида ёки ўз фаолият ҳудудларидағи ўзгаришлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида ва тартибга солиш органларининг норматив ҳужжатларидағи аҳамиятга эга ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилишлари керак.
- 5.3. Қонун ҳужжатларининг, операцияларни амалга ошириш қоидаларининг бузилганлиги ҳақидағи фактлар, шунингдек, Банк, акциядорлар, омонатчилар ва мижозларга зарар етказиш ҳолатлари ҳақидағи фактлар ҳақида маълумотга эга бўлган Банк ходимлари бевосита ўз раҳбари орқали ушбу фактларни Ички аудит хизматига етказишлари шарт.
- 5.4. Ички аудит хизмати Ташқи аудитни танлаш, унинг ишини ташкил этиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш жараёнида фаол иштирок этади.
- 5.5. Ички аудиторлар Ташқи аудиторлар билан яқинроқ ҳамкорлик жараёнида билимлар ва тегишли кўнилмалар олиб боришлари зарур.
- 5.6. Ички аудит хизмати банк Кенгашига вакти-вақти билан Бошқарув томонидан Ташқи аудит, Марказий банк, Солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган чоратадбирлар бажарилишининг ҳолати тўғрисида ахборот беради.

## **VI. ИЧКИ АУДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

- 6.1. Бош аудитор барча маъмурий масалалар бўйича қарорларни Банк бошқаруви раиси билан бирга қабул қиласи ва унинг ва олий бошқарувнинг бошқа вакилларининг ёнига эркин ва мустақил кириш ҳуқуқига эга.
- 6.2. Ички аудит хизмати ходимлари банкнинг барча биноларига, банкнинг таркибий бўлинмаларига чекловсиз кириш, шунингдек, барча молиявий, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлар, активларни чекловсиз ўрганиш имкониятига эга, ва ўзига юклangan вазифаларни самарали бажариш учун ҳар қандай банк ходимларидан бирига мурожаат қилишлари мумкин.

- 6.3. Ички аудит хизмати ўз вазифаларининг самарали бажарилишини таъминлаш учун ўзи текшириши ва баҳолаши зарур бўлган бошқа фаолият турларини амалга оширишда ёки бошқаришда иштирок этмаслиги керак. Унинг вазифаларига сифатини аудиторлар текшириши ва баҳолаши керак бўлган таомилларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ҳужжатларни тайёрлаш ёки бошқа ишларни бажариш, шунингдек, ўзининг холислик ва мустақиллик мақомини бузилиши сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар кирмайди
- 6.4. Ички аудит хизмати ўзининг холис қузатувчи мақомига зарар етказмасдан, янги тизимлар ва таомилларни ишлаб чиқишида риоя қилиниши керак бўлган назорат тизимларининг стандартлари бўйича тавсиялар бериши ёки назорат тизимларининг ишончлилигини ёки операцион ва молиявий тизимларнинг ва тегишли тамойилларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган мавжуд бўлган ёки режалаштирилган мукаммалаштиришларни баҳолашни амалга ошириши мумкин.
- 6.5. Ички аудит хизмати ходимлари натижасида қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, мутахассислик фаолияти стандартлари ва мутахассислик этикаси бузилиши, банк томондан ҳаддан ташқари таваккалчилик олиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисида вақтинчалик (банк раҳбарияти қароридан олдин) ёзма буйруқлар бериш ҳукуқига эга.
- 6.6. Аудиторлик хизмати ходимлари текширувларни амалга оширишда қўйидаги ваколатларга эга:
- банк раҳбарияти ва ходимларидан банк фаолиятига тааллуқли барча зарур ҳужжатларни ёки аудит предмети ҳисобланадиган барча ҳужжатларни талаб қилиш;
  - ички аудиторлик текшируви ўтказилиши давомида банк раҳбарлари ва ходимларидан келиб чиқадиган масалалар юзасидан тушунтиришлар олиш. Агар эҳтиёж туғилса, Аудиторлик хизмати ходими ўзини қизиқтирувчи масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар талаб қилиш ҳукуқига эга;
  - керакли ҳужжатларнинг нусхаларини олиш;
  - зарур ҳолларда, банк томонидан белгиланган тартибда уларнинг кейинчалик сақланиши шубха уйғотаётган ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш;
  - текшириш мақсадида банкнинг барча биноларига чекловларсиз кириш, шу билан бирга банкнинг электрон ва қоғоз архивларини чекловларсиз олиш;
  - ўтказилган аудиторлик текширувидан сўнг текширув давомида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш.

## VII. ИЧКИ АУДИТОРЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 7.1. Ички аудит хизмати бошлигининг вазифалари банк раҳбариятини аудиторлик текширувларида аниқланган муҳим камчиликлар ва бошқа муҳим муаммолар тўғрисида хабардор қилиш ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.
- 7.2. Аудиторларнинг мажбуриятлари Банкнинг текширилаётган бўлинмасида

аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларнинг моҳияти, сабаблари ва келиб чиқиш механизмини, Банкка етказилган моддий зарар миқдори ва бошқа салбий оқибатларни, шунингдек йўл қўйилган қоидабузарликларга сабаб бўлган шарт-шароитларни ва бунда айбдор ходимларни ҳужжатларда белгилашни ўз ичига олади;

- 7.3. Текширилаётган ҳар бир ҳудуддаги текширув натижаларини зарур ҳажмда ҳужжатлаштиришни, шунингдек текшириш дастурига тўлиқ мувофиқ равиша текшириш таомили тавсифини зарур даражада таъминлаш.
- 7.4. Пул маблағларини талон-тарож қилиш, ўғирлаш, ноқонуний сарфлаш ва бошқа суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда, дарҳол бу ҳақда ИАХ раҳбари ва Банк раҳбариятини хабардор қилиш.
- 7.5. Текширув материалларига барча аниқланган молиявий, ҳисоб-китоб ва ижро интизоми бузилишлари, суиистеъмол қилиш, ҳисобга олиш ва ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш фактларини холисона киритиш, камчиликлар ва бузилишлар ўз вақтида ва тўлиқ бартараф этилиши учун уларга принципial баҳо бериш.
- 7.6. Текширувларни ўтказиш давомида Банкнинг текширилаётган бўлинмалари раҳбарларига аниқланган жиддий қоидабузарликлар тўғрисида уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича чоралар кўриш мақсадида тезкор хабар бериш.
- 7.7. Олдинги текширишлар натижалари бўйича қайд этилган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш.
- 7.8. Ҳар доим банк манфаатларига, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари, “Ҳамкорбанк” ОАТБ ички меъёрий ҳужжатларига асосланиб иш юритиш.
- 7.9. Доимо ўз малакасини ошириб бориш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари ва ўз ишидаги банкнинг ички ҳужжатларини билиш ва тўғри қўллаш, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.
- 7.10. Агар Бош аудиторнинг фикрига кўра, банк бошқаруви органлари ёки бўлинмалар бошлиқлари банк учун мумкин бўлмаган таваккалчиликни ўз зиммаларига олган бўлса ёки назорат қилиш чоралари таваккал даражасига мос бўлмаса, Бош аудитор дарҳол ёзма равиша бу ҳақда банк Кенгашини хабардор қилиши шарт.

### **VIII. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ**

- 8.1. Ички аудит фақат Аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.
- 8.2. Ички аудит банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Аудиторлик текширувлари режасига мувофиқ ўтказилади. Аудиторлик текширувлари режаси асосида батафсил аудиторлик дастури тайёрланади. Аудит текширувлари режасини ишлаб чиқиш учун жавобгарлик Аудиторлик қўмитасига, аудиторлик дастурини ишлаб чиқиш ва ижро этиш учун жавобгарлик Ички аудит хизмати бошлиғига юкланди. Аудиторлик текширувларининг йиллик режаси лойиҳасига банк Кенгашига уни тузиш усули бўйича кўрсатмалар баён этилган билдиришнома илова қилиниши керак.

- 8.3. Аудиторлик текширувлари режаси Аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва мослигини таъминлаш учун банк Кенгаши томонидан тегишли йилнинг 1 январига қадар йилига камида бир марта қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.
  - 8.4. Аудиторлик дастури аудиторлик текширувларининг мақсадларини аниқ белгилаши ва тавсифлаши, шунингдек, батафсил иш режаси, аудиторлик текширувларини ўтказиш жадвалини ва кўриб чиқилаётган ҳар бир соҳа учун зарур таомилларини ўз ичига олиши керак.
  - 8.5. Банк бўлинмаларида ички аудит йилига камида бир марта ўтказилиши керак.
  - 8.6. Муайян ҳолатларда, банкнинг айрим бўлинмаларида аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқаридан мутахассислар ёки маслаҳатчилар (outsourcing, cosourcing) жалб қилиниши мумкин.
  - 8.7. Ички аудит бўйича натижалар текширув ҳақидаги ҳисбот ва иш ҳужжатлари ҳисботини тасдиқловчи тўлиқ ҳужжатларни ўз ичига олиши керак. Аудиторлик текшируви бўйича ишчи ҳужжатлар Аудит хизмати ходими томонидан тайёрланади ва Ички аудит хизмати сектор раҳбарлари томонидан текширилади.
  - 8.8. Аудиторлик ҳисботи аудиторлик текшируви тугагандан сўнг дархол тайёрланиши керак.
  - 8.9. Аудиторлик ҳисботида ҳеч бўлмаганда аудит мақсадлари ва объектлари, ички аудит миқёслари, аниқланган муаммолар ва камчиликлар, шунингдек, ҳар бир муаммоли соҳа бўйича батафсил тавсиялар бўлиши керак.
- 
- 8.10. Аудит хизмати ҳисботлари тўғридан-тўғри банк Кенгашига ва Аудиторлик қўмитасига кейинчалик банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши билан тақдим этилиши ва керак. Ҳисботда ҳисбот даврида ўтказилган аудиторлик текширувлари, шунингдек, ИАХ тавсияларини жорий этиш мониторинг бўйича маълумотлар (ҳисбот даврида амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар) ҳақида маълумот бўлиши керак. Ушбу маълумот бажарилган тавсиялар бўйича қисқа баён ва бажарилмаган тавсиялар бўйича батафсил маълумотлар шаклида тақдим этилади. Ушбу ҳисботларнинг нусхалари Банк бошқарувига тақдим этилиши керак.
  - 8.11. Банк ёки филиал раҳбарияти ўтказилган аудиторлик текшируви натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт, ва шу муносабат билан мазкур камчиликларни бартараф этиш чоралари жадвали тузилади.
  - 8.12. Аудит хизмати ходимларининг асосий мулоҳазалари ва тавсиялари текширилаётган бўлинма раҳбарияти томонидан ёзма равища шарҳланиши керак. Зарур ҳолда, ушбу тушуниришлар банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитасига тақдим этилгунига қадар ҳисботга киритилиши мумкин.
  - 8.13. Ички аудит хизмати текширилаётган бўлинма билан биргаликда камчиликларни бартараф этиш ва аудитор тавсияларини амалга ошириш бўйича кейинги чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.
  - 8.14. Ички аудит хизмати текширув давомида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тарзда бажарилиши устидан текширувдан кейинги назоратни ўрнатиши керак. Текширувдан кейинги назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик Ички

аудит хизматининг ёзма низомида белгиланиши керак.

## **IX. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

- Ички аудит хизмати мустақил ҳисобланади ва бевосита банк Кенгаши ва унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунади.
  - Ички аудит хизмати ходимлари текширилаётган (аудитдан ўтаётган) хизмат ходимларидан мустақил бўлиши керак.
  - Ички аудит хизматининг барча ходимлари хизмат бошлиғига бевосита бўйсуниши керак.
  - Банк Кенгаши раиси банкнинг Ички аудит хизмати Бош аудитори ёки ходимларига нисбатан ҳар қандай босим ўтказишга уриниш ҳақида дарҳол хабардор қилиниши керак.
  - Бош аудитор банк Кенгаши қарори билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Ички аудит хизмати ходимлари хизмат бошлиғининг тақдимномасига биноан Аудиторлик қўмитаси томонидан лавозимга тасдиқланади.
  - Ички аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш учун иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, шунингдек, Ички аудит хизмати ходимларининг ҳар қандай бошқа моддий рағбатлантирилиши банк Кенгаши томонидан белгиланади.
  - Ички аудит хизмати фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш бевосита банк Кенгаши томонидан амалга оширилади. Банкнинг Бош аудитори ҳар чоракда банк Кенгашининг Аудиторлик қўмитасига Ички аудит хизматининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

# **Х.ИЧКИ АУДИТОРЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- ## 10. Ички аудит хизмати ходимлари:

- текширув натижаларининг бузилиши;
  - қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигига риоя қилмаслик;
  - тегишли бўлинмалардан олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланмаганлиги учун жавобгар хисобланади